

Халқ Сўзи

ЎЗБЕКИстон Республикаси Президентининг ахборот агентлиги билан ҳамкорликда чикара...

Ўзбекистон Республикаси Олий Кеиашининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 4 АВГУСТ, СЕШАНБА 149-СОН • 400 •

НАРХИ: СОНУДА 2 СЎМ.



МУСТАҚИЛМИЗ—УҚТАМ СЎЗИМИЗ, ҲАММА ИШГА МАСЪУЛ ҲУЗИМИЗ!

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ НИШОНИ

Дунёда ўзини мустақилман деб билган жамини маллактининг ўзинга хос халқи, қиёфаси, овози ва ўрни бор. Байрамнинг, ота юртимиз Ўзбекистон ҳам ана шундай саодатманда маллактарлар қаторидан жой олди. Унинг меҳнаткаш халқи, олам харитасида муносиб ўрни, жаҳон минбарда...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА:

ҚАЙҒУСИЗ ТУПРОҚ ЙЎҚДИР

ИСТИҚЛОЛНИНГ БИР ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ УЧУН ҲОЗИРЛИК ҚУРИЛАТГАН ШУ КУНЛАРДА ҲАМ МЎХБИРИ Б. АБДУЛЛАЕВ ҲАМ МЎХБИРИ Б. АБДУЛЛАЕВ ҲАМ МЎХБИРИ Б. АБДУЛЛАЕВ ҲАМ МЎХБИРИ Б. АБДУЛЛАЕВ...



— Биз «Бисмиллоҳ» раҳманир роҳим» деб эрк йўлига қадам қўйдик. Мустақиллик йўлига чиқдик. — деди шоира. — Бу йил менга бағоятда мушкул, ҳар биримнинг куч-қудратимизни, сабру тоқатимиз, иқтидоримизни аёвсиз синовдан ўтказадиган йўл бўлиб қўринадир.

айланган биргина энгелининг бошига тушган минглаб қора кунлардан бири, бизга яна етиб келгани, биз ўнганимиз, эшитганимиз, ҳосил.



Маълумки, ёз ойи ўлкада камизда пишқичлик фасли ҳисобланади. Салқин сўриларда ётиб талқин инъом этган нёмамларини танаввул этишларининг бахтимиз, шунга қарамай, бу ой пахтакор деҳқонларимиз зиммасига масъулият ҳам ўқлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ «КАРТОШКА, МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ҚУРУҚ МЕВАНING 1992 ЙИЛГИ ЧЕКЛАНГАН ХАРИД НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Қарорда картошканинг, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг ва қуруқ меванин янги чекланган харид нархлари тўғрисида 1992 йил 14 апрелдаги 188-рақамли қарори 2-банди 3-абзацнинг амал қилиши сақлаб қўлинди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Table with 2 columns: Product name and Price per unit. Includes items like картошка, пилёз, кузлардан маъсум охиригача, қарама, маъсум охиригача, маъсум охиригача, маъсум охиригача, маъсум охиригача, маъсум охиригача, маъсум охиригача, маъсум охиригача.

ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ

«ХАЛҚ СЎЗИ» МЎХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАВАРЛАРИДАН ОЙИГА 1 МИЛЛИОН СЎМ ЁРДАМ

Мирзачўл районда истиқомат қилган кам дарomadли оналарга ёрдам учун ойига 1 миллион сўм пул ажратилаётган бўлди. БАНҚДА пул тақчиллиги сезилаётганлиги тўғрисида бундан кейин улар қозоқ пул ўрнига қуввати 500 сўмга тенг бўлган махсус талон-нарточналар оладилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА Қўнғилли халқ дўстлари яна жонланди. ҚАЎТА қуриш даврида уларни ҳамма унутганди.

ПОЛВОНТОШ МИНЕРАЛ СУВИ. МАРҲАМАТ райондаги Полвонтош адиридан чиққан иссиқ сувининг минералларга бойлиги шифохона курилишига туртки бўлди.

ҲАМ ГАЗДА, ҲАМ БЕНЗИНДА. «УЗАВТОТРАНСТЕХНИКА» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Тошкентдаги 3-автомобил жўтасислари яратган ЗИЛ-138 автомобили ўз хил ёнлигида ишлади.

ЁШЛАР ЖАМҒАРМАСИ. БУХОРОДА ёшларнинг иқтисодий ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

ҲАМ ҲОРДИҚ, ҲАМ ШИҒО. ЧУСТ райондаги «Чуст» жамов хўжалигида «Дилшод» лагери фойдаланишга топширилди.

Шуниингдек, Норин райондаги Тўла қишлоғида ҳам хўжаликларро болаларни соғломлаштириш маскани иш бошлади. Мақсад: болаларнинг мириқиб қордиқ чиқаришлари, соғлом, бақувват бўлиб ўсишларига ёрдамлашиши.

ИТИСОДИЁТ РАВНАҶИ — МУСТАҶИЛЛИК ГАРОВИ

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА УТИШ — КҰР-КҰРОНА МАҚСАД ЭМАС, БАЛКИ ИҚТИСОДНИ УНГЛАШ, ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ЙЎЛИ.

И. ҚАРИМОВ.

Иш билганга минг танга

ИШАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Шахрисабз — қадимдан ҳунармандлар, санъат аҳллари шаҳри. Бу ерлик чеварлар, моҳир усталар яратган дўшлар, кашта ва сўзаналар, шамдону мисдан ясалган буюмлар бутун оламда машҳур бўлган. Бугунги кунда қадимий усталар ишининг давомчилари Шахрисабз довурига доврүк қўшялтилар. Уларнинг бири қисми «Хужум» бадий буюмлар фабрикасида меҳнат қиляпти. Корхона 1926 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариладиган буюмларнинг аксарияти қисми четга чиқарилади, ундан келадиган даромадларнинг қарларда қолиб кетиши, нималарга сарф этилаётганидан фабрика аҳли беҳабар эди.

Эндилликда ахвол тубдан ўзгарди. Корхона жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган турли бадий буюмлар асосан буюртмага қўра тайёрланмоқда. Ундан келадиган фойданинг катта қисми эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, чеварларни ижтимоий ҳимоялашга ҳаракат этилмоқда.

Корхонанинг кўرғазма залига қўйилган турли сўзана ва паллақлар, дўппи ва гиламлар, нимча ва ятаклар, гилоф ва кармонлар, тўн ва совгабон буюмлар кишини беихтиёр ўзинга ром этади. Корхона жамоасининг ақл-заковати билан яратилган қанчадан-қанча ана шундай буюмлар жаҳондаги йирик музей ва кўрғазмаларни ҳам беэзаб турганидиган ифтихор этасан киши.

Корхонада тўртта цех бўлиб, 2,5 миңдан ортиқ халқ усталари меҳнат қилдилар. — дейди фабрика директори, иқтидорли муҳандис Тўлмас Азимов. — Бу цехларда халқ истеъмол моллари, пайпоқ ва жемперлар ишлаб чиқарилади. Дўшпидўшлик цехида санам, чизма, ироқи нуسخа дўшпидўш тикилади. Илгари фабрикада ота-боболаримиз ёттириб, ёзда салқинлик, қишда иссиқлик баҳишда этган араби гиламлар тўкиди. Яқиндан бошлаб пати, қалин гилма тўши йўлга қўйилди. Бундай гиламларни тўшичи Сония Хайдарова, Нигора Хушвақтова каби моҳир усталар бошлаб бердилар. Улар гилма нуسخаларни ўзалари яратдилар. Зулҳумор Нўлатова, Гўё Одилова каби чеварлар гилма тўшишнинг шахрисабзча ағъаналарини қўллаб кўчиликнинг таҳсинига сазовор бўляптилар.

Шахрисабз — чет эллик сайҳатчилар келадиган зиёратгоҳлардан бири. Бу ерга хоридан қўллаб осори атиқа иштибозолари, тижоратчилар ташриф буюришади. Уларда корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотларга катта қизиқиш бор. Фабрика маъмурияти чет эллик тижоратчилардан буюртмалар қабул қилайти, ҳар икки томон учун манфаатли шартномалар тузиш ҳаракатида бўляпти. Англиянинг «Интерхолдинг финанстиг ЛТД» фирмаси вакиллари корхона маъмурияти билан ҳамкорлик қилишга шартлашб кетдилар. Аҳдлашувга қўра, англилик фирма вакиллари бу ерда пахта ва жуандан ип янгирядиган чех барпо этишди, бўёқ цехи қад ростлайди. Қўшма корхона учун зарур бўладиган ум ашёнинг бири қисми ҳам Англиядан келтирилди. Ҳамкорлик туфайли фабрикада жуандан турли жемперлар, кўйлақлар тўкиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Туркиядан, Саудия Арабистонидан келган тижоратчиларни ҳам қўлла тикидан дўшлар, сўзаналар, гиламлар қизиқтириб қолди. Уларни фабрикада ишлаб чиқарилаётган бошқа махсулотлар, айниса бадий буюмлар мафтун этади. Ҳозир бу мамлакатлар билан махсулот айирбошлаш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда. Ўзбекистон миллий банкида корхонанинг ўз ҳисоби очилди. Демак, четдан ва сайҳатчилар сотиб олаётган моллардан тушадиган валютанинг катта қисми фабрика ҳисобига ўтказилди.

Ҳужумринишига хоридан келадиган сайҳатчиларга «Олимс» ва «Чинор» фирма магазинлари орқали турли моллар, совгабон буюмлар сотилмоқда. Валюта тушушларининг асосий қисмини эса корхонанинг ўзи ўзлаштиряпти. — Чет эл бозорига шахримиз корхоналари ўртасида биринчи бўлиб «Хужум» бадий буюмлар фабрикаси жамоаси чиқарган бўлиб, — дейди Шахрисабз шаҳар ҳокими Ф. Ҳотамов. — Америка Қўшма Штатларида, Малайзияда дўшпидўш, совгабон буюмлар жўнатилади. Чет элликларга махсулотимиз ёки қоладиган бўлса, биз улардан буюртмалар қабул қилишга тайёрмиз. Исроилда эса турли нуسخадги дўшпидўшлар, Италияга 83 та араби гиламлар юборилди. Бу мамлакатлардан ҳам буюртмалар келишини кўтиб турибмиз.

Фабрика мутахассислари махсулот тайёрлашни жаҳон стандарти даражасида йўлга қўйиш ва чет эллик харидорларга сотиш, шу билан валюта тушушларини кўпайтириш мақсадига изланмоқдалар. Валюта ҳисобига эса хоридан тақоимиллашган замонавий дастгоҳлар, ускуналар олиш, фабрика цехларида ишнинг чет эл тажрибаси асосида ташкил этиш умидида ишлаяптилар.

Корхона ташаббускорлари бу билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Шаҳар ҳокимлиги тез ёрдан станциясининг эски биносини корхона илтиғига берган эди. Бино тўғририлади, қўшмача хоналар қурилди. Бу ерда яқин кўнлар ичда заргарлик цехи очилди. Бўлажак цех усталари Тошкентдаги заргарлик фабрикасида маълум ошириб қайтилди. Заргарлик буюмларининг асосий қисми қимматбаҳо металллардан, минераллардан тайёрланади, чет элларга чиқарилади.

Кейинги бир йил ичда миллий ятакларга, жойнамога ва саллаларга, жиякларга талаб кўчади. Сўзана ва паллақларга бўлган буюртмалар сони кун сайин ортмоқда. Лекин материалнинг етишмаслиги натижасида бундай буюмларни қўллаб беришни мумкин бўлмайтир. Айрим буюмларни тайёрлаб беришни сўраб, ҳатто чет эллардан ҳам буюртмалар келаетир.

Гилма тўқиш учун калавани Олтиариқдаги ип йиғири фабрикасидадан оламози. Бу корхона ўз иммасидеги мажбуриятини бажармоқда. Ипак иплар ҳам жумҳуриятимиздаги корхоналардан келтириляпти. Лекин машиналарда тикиладиган дўшпидўш, кашта ва сўзаналар, нимчалар учун сўзийи толави Красноярск шаҳридан олишимиз керак. Красноярсклик ҳамкорларимиз ҳамма вақт ҳам ўз вадаларининг устидан чиқаетганлари йўқ. Вискоза толаси ўз мудатларида етказиб берилмайтир. Натижада ишлаб чиқариш эиен кўрмоқда, тўкивчиларимизнинг беқор туриб қолиш ҳоллари тақорланайтир.


Корхонада ишлаб чиқарилаётган буюмлар бир неча баравар қимматлашти. Бунинг устига турли соликлар, аллақандай устама тўловлар қўйилишни натижасида махсулот таннариқ баттар ошиб кетди. Шу сабабли маҳаллий бозорда, дўноқларда гилма ва дўшпидўш туриб қолайтир. Бехудага солиқлар турини кўпайтирмасдан, ички бозорнинг тўқилишини таъминлаш керак. Махсулот сифатини ошириш ва унинг баҳосини ишлаб чиқариш ташнариқда белгилаш орқали халқимиз фаровонлиғига ҳисса қўлиш лозим. Фабрика фаоллари ана шу иятларнинг амалга ошириш йўлида меҳнат қиляптилар.

**П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.**

Бугунги кунда пахта ва пилла қатори поллиз, мева ҳамда сабзавот махсулотларининг харид нархи оширилганини деҳқонларнинг гайратига гайрат қўшмоқда. Тайлоқ районидagi «Богъзор» давлат хўжалигининг Абдуҳамид Вобоев бошчиқ бригадасидан қиёс: меҳнат аҳли 105 гектар майдонда мўл помидор ва бодрий еттиштирди. Айни кезларда дала нёматлари савдо шохбачаларига пешма-пеш юборилмоқда.

СУРАТДА: илгор бригада бошлиғи А. Вобоев.

Г. АЛИЕВ олган сурат.



XIX асрда яшаган америкалик файласуф Ралф Эмерсон: «Биз ҳаётда ҳаммадан кўра ўз қўлимиздан келадиган ишни бажаришга мажбур қила оладиган одамга муҳтожмиз», — деган эди. Қарангки, орадан қанчадан-қанча сувар оқиб ўтгач, Тошкентдаги «Электроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларнинг ҳаёлида ҳам шунга ўхшаш фикр зоҳир бўлди. Сабот? Матбуот узоқ йиллар мобайнида бу корхона ҳақида тўлиб-тошиб эди. Дарҳақиқат, у собиқ Иттифокда нафақат машаф, балки йирик иссиқлик ва атом электростанциялари учун мураккаб техник ускуналар ишлаб чиқарадиган, технологик жаравилари бошқариладиган ва иш жараёнини назорат қилишда қўлла-ниладиган автоматик қурilmалар тайёрлайдиган энг йирик корхоналардан бири эди. Бироқ 80-йиллар охирида бу бирлашманинг шон-шўҳратга бурканган ҳаёти сўнди: давлатдан 10 миллионлаб сўм қарз бўлиб қолди. Шунда айримлар ўзи тармоқларга ажратиб юбориш керак, деган ўйга бордилар. Тажрибали мутахассисларнинг келажиги ҳақида қайғурган кўччиликнинг фикри эса бир жойдан чиқди: хўжалик механизми ва бошқариш тубдан ўзгартириладиган, бозор иқтисодиети шароитида корхонани қийин аҳволдан олиб чиқа оладиган, изданувчан ва қаттиққўл раҳбар лозим. Ниҳоят, 1989 йилнинг февралда бирлашма бош директори ўзи вазифасига сайлов ўтказилди. Намоза азъзолари А. Алимбоев номзодини бир овоздан қўллаб-қувватлади. Сабоби — корхона бўлишини тиклашга, ишчиларга маданий-маънавий шарт-шароитлар яратишга қаратилган унинг дастури ҳаммада қизиқиш уйғотган.

Бугунги кунда бу бирлашма мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб-қолмасдан, улардан унумли фойдаланган ҳолда юқори рентабельликка эришмоқда. Ҳў у барча корхоналарга хос қийин иқтисодий шароитни бошдан кечирмаётгандай. Чунки айрим раҳбарлар «Хом ашё йўқ, ойлк маощ кам, Одамлар ишдан кетиб қолаётганликлари сабабли ишлаб чиқариш ортга қолайтир», деб турли баҳоналарни рўқаб қилишмаётган бир пайтда Абдулло Маннон Алимбоев фақат жамоанинг галдаги режалари ҳақида сўз юретибди. Демак, у олдинга иттикланган одам сафдан қолиб кетишига ишонади.

Биз бош заводда «Навек» ва «Моделочек» тишидаги учта моделини монтаж қилишни режалаштирмамиз, — дейди у. — Сирғалида корхонанинг филиали ташкил этилади. Бундан ташқари, атом электростанцияларини бошқариш тизимлари ва шунга ўхшаш мураккаб қурilmаларни хар хил шаронда синаб куриш мақсадида илмий-муҳандислик марказида тажриба-синаов базасини барпо қилимоқчимиз. Келгусида эса халқ хўжалиғи, айниса, аҳоли учун ўта зарур электр жиҳозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг дастури тайёр.

Фақат шунча эмас. Бирлашмада яқин кўнларда телефонлар, дамоллар ва бошқа халқ истеъмол моллари тайёрлаиб савдо шохбачаларига жўнатилади. Олмонининг «Гермес» фирмаси ҳамкорлигида моторлар ва чапгошчилик ишлаб чиқарадиган заводлар қурилади.

Қалам учуда алам

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТОМОШАБИНЛАР

Саноатдаги илтироз, ишлаб чиқаришдаги узилишлар давлат тизимини издан чиқарди. Маблиғ етишмаслиги қисм ундаги камомаднинг қоллаш жуда қийин кечаетир. Устига устак, турли ширкат ва кичик корхоналарнинг тўловдан бош тортиши ёки мўълумотларини озаетириб кўрсатиши зарардан бошқа нарса эмас.

Солиқ давлат тизимини боийтади, хазинани тўлдирди. Қолаверса, ношлалб чиқариладиган ишчи-хизматчиларнинг маоши ҳам унинг қанчалик бақувватлиғига боғли. Шу боиснинг билан, мамлакатларда солиқ инспекцияси асосий ўрин тутади. Солиқдан бош тортилар эса илдиний жазоланадилар.

Бизда ҳам эндиликда тўловларни ундириш учун кураш кучайпти. Лекин айримлар, негадир, бу ишга совуққўнлик билан ёндашяптилар. Деомқчиманки, бурчимизни адо этиш осон кўчмайтир. Эгри йўлини таллагандан оқиндан очик пўнса, зўравонлик қилишмоқда. Балиқчилик Петр Кан ишбилармонликка қўл урди. Бунинг табириқлаш ҳамда қўлла-қувватлаш керак, албатта. Аммо Петр Кан ўзининг дастлабки кадамни қонуний солиқдан бош тортишдан бошлади. У шу райондаги «Москв» жамоа хўжалиғида «Наврў» ширкатини, «Баҳор» кичик корхонасини, «Шарқ» фермер хўжалиғини қонуний равишда ташкил этганди. Хар учала ишлаб чиқариш бўлимасига алоҳида алоҳида муҳр тайёрлади. Балиқчи район Чинобог агропосаноат банкида учта жойрий ҳисоби очди. Бундан 1 миллион 20 минг сўм кредит олиб, бу пулларга ширкат, кичик корхона ва фермер хўжалиғида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, аҳолининг бир қисминини иш билан банд қилиш урнига ишбилармонлигининг жуда осон йўлини топиб олди. Яъни «Москв» жамоа хўжалиғи номида 1188586 килограмм пизини 40 та вагонга уриб Россияга жўнатган. Уриб эса давлат бюджетига тўлов ва солиқлар бўйича берилган илтибелардан фойдаланиб қолиш имконини берган. Натижада 238850 сўм микдордаги давлат божий бюджетга тўланмаган.

Тадбиркорга омад ёр «АМАЛ МАНСАБ ЭМАС, ВАЗИФА»

ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ «ЭЛЕКТРОАППАРАТ» БОШ ДИРЕКТОРИ АБДУМАННОН АЛИМБОВ

Муҳими — мавжуд цехларни қайта жиҳозлаш, уларнинг қувватини ошириш, янги технологиялари жорий этиш ҳисобига энг юқори самардорликка эришмази. Бу режалар шунчаки раҳбарларни ишонттириш ёки қалтириш учун Алимбоев томонидан йўлб топилмаган, балки хар қайсиш мўайян ҳисоб-китобларга асосланибдир. Наминки илтироз ҳозирга қалар ишлаб чиқаришга жорий этилаётганлигини бунинг исботи. Мисол учун кўччиликни шубҳага солган компьютерлар билан бошқариладиган галваник автомат линияларининг ишга туширилишини олиб кўрайлик. Бу линиялар Швециянинг «Гальвоор» фирмаси томонидан юборилган эди. Қурилма ишга туширилгач, металл махсулотларини бўяшга кетадиган вақт икки марта қисқарди, махсулот сифати эса обдон ахшилланди. Дикқатга сазовор яна бир далил, 9 миңдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бирлашмада асосий масала — хом ашё билан таъминлаш муаммоси ҳал этилган. Эндиликда ташчи бозорга кишиқиниш имкониятлари излаб топилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ чет эл истеъмолчилари талабларига жавоб берадиган махсулотлар дўненинг 39 та давлатига чиқарилмақда. Буюртмачилар орасида Вьетнам, Korea, Монголия, Алжир каби мамлакатлар борлигини айтиб ўтиш ки фой.

Абдулло Маннон Абдурайимович янги-янги ҳамкорлар топиш, улар билан алоқа бошлаш йўларини излаш билан банд. Бирлашмада ўтказилган йилларда қанчаларнинг ишсодат беришларига қараганда, бу иншоат сиебатдонлар мақтана олмайдиган жиҳатлар мумкассам. Унинг ташаббуси билан корхонада тижорат ва маркетинг мактаби фаолият қўрғатмоқда. Бу ерда ташкил этилган брижлар давлат таъминот тизими ишига халақит бермайди. Чунки улар асосан валютага ёғоч ва металл харид қилдилар. Брокерлик ўринлари баҳоси ҳам чақир эмас: ярим миллион сўм ва ундан ҳам қимматроқ.

Ҳозир корхона балансида олтига дон комбайни мавжуд. Бу техника восталарини Алимбоев жамоа фойдасига ишлатиш чораларини қириряпти. Бирлашма ишчилари корхонани бунтдаги жамоа мулки қилиб олишмоқчи. Уларнинг ҳар бири 10 миң сўмлик ақцияларга эга. Буларнинг ҳаммаси Алимбоев амалга оширадиган ишларнинг бири қисми, холос. Бироқ бош директорининг асосий мақсади — бирлашма ходимларини ижтимоий муҳофазалашдан иборат. Пенсияга чиқадиган ҳар бир ишчига миң сўм, армия хизматидан қайтган ишчиларга тўй қиладиган бўлса, ёрдан тарқасида 2 миң сўм олади. Ёш одамлар эса фойсиз қарздан фойдаланишлар.

ИШ МАРОМИ ҲИСОБИ

Қўчон шахрининг шундоқ билишга жойлашган консерва ва заводи Ўзбекистон район тасарруфида. Лекин махсулотнинг асосий қисмидан қўчонликлар баҳраманд бўлишмоқда. Яқинда корхонада узум шарбатини тайёрлайдиган янги линия ишга туширилди. Янги цех янги ҳосилни қабул қилиб олишга тўла шай турирди. Корхонанинг бошқа цехларида эса иш қизибди. Завод ашигидан бири-кетини помидор, олма, ўрик, гилос ортланган автомобилларни қилиб турирди. Улар Дарҳол қайта ишлаш, «консервалаш тармоқларига жўнатиляпти. Илгарилари тайёр махсулотлар аввал омборларга, у ердан эса юқорининг тақсими бўйича истеъмолчиларга жўнатиляпти. Энди эса тайёр махсулот пешма-пеш харидорларга узатиляпти. Ёзининг дастлабки ойда харидорларга 350 миң бақка тўзланган бодрий консерваси жўнатилади.

Н. СОВИР.

ТҮЙБОЛАЛАР ХУРСАНД

Яқинда Наманган районидagi савдо, умумий ошқанлаш тармоқлари, ташкилот, корхона ва хўжаликлар маслаҳатлашиб хайрли ишга қўл урдилар. Ўртада маблағ тўпланди. Бу пулга керакли ашёлар харид қилинб, эл олдинга дастурхон ёзилди. Ош тортиди. Сўнгара қўли ҳалолланмаган 110 бола суннати қилинди.

**Р. ИРСОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.**



«Давлат корхоналари тўғрисида»ги қонунида мўлжалдагидан ортиқ манбаларни сақлаб туриш фойдасиз эканлиги таъкидланади. Бош директор бунга қарши ўлароқ чет давлатлардан техника ва ускуналар сотиб олади. Тўғри йўл тўтилан экан, Кўп ўтмай уларнинг нархи 10 баравар қимматлаб кетди. Олингани эса фойдага қолди.

Алимбоевнинг иш юритиш тартибига норозилик билдирувчилар ҳам йўқ эмас. Чунки у ўта талабчан, ҳатто нафас ростлаб олишга йўл қўймайди. Устига устак, маъмурият ходимларига одадан ташқари иш кўни белгилаганини айтмайсизми? Лоқақ ўзинга раҳми келса-чи? Қунига 14-15 соатлаб ишлайди.

У таваккалчиликни ҳам хуш кўради. Бугунги кунда қайси бир раҳбар чўнтагида бир цент бўлмасда, 3,5 миллион долларлик чет эл линияларини сотиб олиш ҳақида мақтана олади? Унинг эса доимо омади келди. Бу албатта омад йўлидоси эканлигидан эмас. Алимбоев иқтисодий бошқарувининг ноиик жиҳатларигача янги билиди. Унинг учун ушбу соҳа — фахр. Қимки ана шу фанининг барча қонуниларига амал қилсагина ютади. Мақсадаги эришини йўлда эса Алимбоев табиат илём қилган барча хислатларини ишга солади.

Абдулло Маннон Абдурайимович ўз ҳаётида фақат иқтисодий билан машғул бўлмади. Унинг «Одамлар, сизга айтар гапим

бор» номли китоби яқинда Г. Гулом нашриётида нашрдан чиқди. Завод клубида саҳналаштирилган «Сирано де Бержерак» спектаклида бош ролни ўйнади. Репетитсия Алимбоевнинг илтимосига бийоан ана шу асар матнини тақдим этган Юрий Соломин ташриф буюрди. Айни кўнларда бош директор корхона оталидаги мактабда юқори сифларнинг ўқувчиларига менежерлик курсидан дарс бермоқда.

Мен давлатдан ўз корхонаси учун фақат маблағ талаб қилмавердиган раҳбарларни ҳолатини тўшунмайман, — дейди Абдулло Маннон Абдурайимович. — Аслида биз бутун республиканинг, шаҳарининг бюджетини тўлдиринишга ёрдан берилишимиз керак. Раҳбар йўл кўриши, атроф муҳити мусаффолиғи ҳақида қайғуриши, дўқонлар пештахталарининг молларга тўлдирини, қисқаси, давлатнинг бойчино тўллаб-йиниши йўлида қатъият билан курашмоғи керак.

Алимбоевнинг ҳаётий муносабалари шулардан иборат. У доимо раҳбарлик фаолиятдан, амалий тажрибасидан келиб чиқиб фикрлайди. Тўшунданики, кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаш билангина жамиятнинг барча муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Шу боис у кўпроқ ишчиларни маънавий тарбиялаш ҳақида қайғуради. Театр залларини сотиб олади, корхонага симфоник оркестрларини тақлим қилади, гулзорлар бунгачи этади. Қайси йўл билан бўлмасин, ҳар бир кишида инсонийлик гурурини ўғеоттишим, одамлар ўртасида меҳр-оқибат барқарор бўлишига эришини истаийди.

Менинг ишчиларим ҳаёт деган ўмонда қайнларда эмас, балки олтин крейсерларда сўзишлари керак, — деб ораш қилади у. Сўнги калом шукки, «Электрораппарат» корхонасида мутахассислар қўшимсизлигига аллақачон барҳам берилган. Экипаж ўз дарғасига қаттиқ ишонади.

Л. КУЧЕРЕНКО.

КУЗИ ОЖИЗЛАР БАЙРАМИ

Яқинда Қогон район кўзи оқишлар жамияти аъзолари ташкилотнинг 60 йиллигини нишонлашга тўпланишганди. Кечга ташриф буюрган меҳмонлар ва санъаткорлар ногиронлар қалбига олам-олам шодлик бахш этдилар. Шаҳар ҳокими Ж. Ҳақимов ташаббуси билан кўзи оқишларга икки июлда дарс шару ва гуруҳ улаштириб, Республика ноиб Э. Шаронов ўтирганларни кўтулур айём билан табриқлаб, уларнинг навазлари бажарилиши аарфасида эканлигини таъкидлади. Вилоти кўзи оқишлар жамияти раиси А. Ҳайдаров гамаҳурлик учун миннатдорчилик билдириди.

**В. ЛИ,
Алдиқон вилоти давлат солиқ бошқармасининг бошчилиғи.**

**М. ОТАВОЙ,
«Халқ сўзи» муҳбири.**

Мерос

ДУШАНБЕЛИК профессор Н. Немазовнинг ёшларига, тош асридаёқ Сирдарёнинг ўнг оқими, Қайроғум ва Хужабиргонсой ҳавзасида илғимдор одамларнинг манзилгоҳлари бўлган, бронза ва илк темир давридаёқ овчилар, деҳқонлар ва устакончиларнинг қўллаб қўлланганига, муваффақият кўрсатқичлари, янаша қўллаб қўлланганига, Эрамадан аввалги биринчи илғим йиллик урғуларидан меҳнат тақсими янада кучайиши ва деҳқончиликнинг домийлигига айланиши туфайли йиллик қишлоқлар ҳамда шаҳарлар пайдо бўлди. Худди шу даврда энг қадимги тарихий-маданий воқеалар — Сўғд, Фарғона ва Чоч-Илоқ шаклланди.

Чоч-Илоқ ҳавзаси қадимий манбаларда Чоч-Илоқ давлати, Илоқ давлати, Илоқ вилоти номи билан машҳур. Бу давлат худуди шимолда-шарқда Қирғизистоннинг Талас vodiysi билан жануб-шарқда Фарғона vodiysi, жануб-ғарбда Сирдарё ҳавзаси, шимол-ғарбда эса Чирчиқ дарёси билан тўташган. Бу давлат таркибига кирувчи Охангарон vodiysi, Қурама ва Қорамозор, Далварзин табиат неъматларига бой бўлган.

Илк феодализм даврида Илоқ мустақил давлат сифатида шаклланган, пойтахти Илмоқ—Тункат (Охангарон vodiysi) шаҳри ва бошқа ўн етти шаҳар ҳамда қишлоқларидан турли хунлар эгалари яшаганлар, улар орасидан қўллаб қўлланганига иштирок этаётган чирчиқ, Шулардан бири Шарифуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоқий тиб ва тиб тарихи соҳасида оламга машҳурдир (1068 йилги вафот қилган: баъзики маълумот «Узбек совет энциклопедияси»да ёзилган). Унинг тиб фанига оид кўплаб асарлари Искандария ва Байрут кутубхоналарида сақланмоқда. Абу Али ибн Синонинг шогирди бўлган бу олимнинг китоблари илм ахди учун кўпламга вазифини бажариб келганлиги маълум. Ҳумайд, ҳинд олими Муҳаммад Аъзамхон Чаштий табобатга оид китобларини ёзишида унинг асарларидан фойдаланади.

Тоғларидан қўллаб қўлланган. Қадимда биргина Қорамозор қонидан 250 минг куб метр ҳаммида фойдали тошлар қазиб олинган, Қорамозор қонидан эса шахтанинг ер ости қараб 150 метр кетганлиги қазиб ишларининг кўламиндан далолат беради. Бу тоғларда «хитой назималари» номи билан ҳам юритилган, бир киши эғрага синадиган ерости йўллари ҳам йўп учрайди. Улардан қон қазувчиларнинг иш қуроллари, ер остидан қазилмани тортиб оладиган чирчиқлар топилган. Ишчи кучи, албатта, қўллаб қўлланганига бўлган. Қорамозор қонидан тошланган ва одамлар тўда-тўда қилиб қўлланган ер оғир меҳнатдан ҳалок бўлганларнинг қардошлиқ қабростини бўлиши керак. Араблар истилоси, айнисса, Сомониёлар давлатининг амира Мансур даврида Қорамозор қонидан қўллаб қўлланганига олинган. Қорамозор ана шу эрдани аминнинг номи билан аталган бўлиши ҳам мумкин.

В. В. Бартольд «обсерватория», М. Б. Массон «кутиш жойи» деб номлаган иншоот, бизнинг фикримизча, Мирзабоғ ўрғасидан тепалиқда жойлашган бўлиши керак. Х асрада келган араб сайёҳи Қудамнинг таъсири худди шу жойга тўғри келди.

Чоч-Илоқ бирлашмаси араблар босқинига қарши тўхтовсиз кураш олиб бorgan. Шарқий турк ҳоқонлиги, Чоч, Илоқ, Сўғд ва Фарғона иттифоқи халқлари араблар зулмига қарши курашини тўхтатмаганлар, айниқса, Чоч-Илоқ юртига қadam қўйиб араблар учун доимо қимматга тушган. Босқинчилар, ўз вақтида, «бу ердандан ўтишда этгани баян қилган керак, чунки бу ерлар кўзага кўринмас одамлар — «оқ қўл-лакдилар» («оқ қўлакдилар» — Муқанна тармақдорлар. Муаллифлар изоҳи) — маскандилар, улардан ҳатто тармақдорларимиз ҳам жон ҳовуллаб қочадилар», — деб тан олишга мажбур бўлганлар.

ном олган) — аҳолиси мўғулларга қарши қаршилик кўрсатади, лекин кўлар тенг эмас эди. Шаҳарини олган мўғуллар шаҳар химочиларидан бирон кишини урчата олмадилар. Улар Сирдарё остидидаги лаҳимлар орқали ўтиб Уратена ва Шаҳаристон тоғларига беркиниб улгурдилар. Жасур химочиларнинг айнаш шу усул билан қўтулганликларини, албатта, текширишни талаб қилди.

Чингизхон истилосидан сўнг Илоқ давлатининг номи тарихий манбаларда учрамайди. Лекин давлатлар ва хумдорлар қанчалик алмасмасин, барча бойликлар ижодкори — халқ қолаверган.

Кейинги эллик йил ичида Олмалик ва Охангарон, Қорамозор ва Адрасмон, Далварзин чули жадал улаштирилди. Бу ерларнинг табиий бойликлари, хом ашёси собиқ империянинг куч-қудратини таъминлар турди. Қурама ва Мўғул юртининг тармақдорлари В. И. Ленин мавзолейини, турди шаҳарларидан метрларнинг, Байқўнғур космик қўлаб қўлланганига беради. Урин келганда шунча айтиш керакки, Илоқ қонларидан қариб йилгирма беш асрдан бери қазилмалар олиндиб, кўпгина четга ташиб кетилган, бойлик ва зарининг ичида Утирган халқ ундан бебаҳра бўлган. Шуниси фойдалани, фойда кетидан қувши истагиди кимсалар табиатни аёвсизларча топдилар. Қурама ва Мўғулбоғ бағри гал-видек илма-тешик қилиб юборилди, табиатга — яшил бойлик ва ҳайвонот дунёсига ўнлаб бўлмас зиён етказилди, Олмаликдан тарқалаётган туғун экологик мувозанати нздан чиқарди, одамларнинг турмуш тарзи ва соғлиғи тобора ҳафв остида қолмоқда. Тоғ ва суз топроқ қучкилари, тоғ ости жинсларининг салгина ер қимирлаши натижасида сурилиши ва емирилиши кузатишмоқда. Бунга Жигаристондан қўчки ҳам дахшат билан эслаб туришди. Энди бойликларимиздан фойдаланиш ўзимизда бўлиши керак. Хар қандай бойликнинг ҳам чеки бор. Доно халқимиз «Этиб еганга тоғ ҳам чидамас», — деб берора айтмаган. Тоғларимиз нўмасини, унинг бойликларидан ақл билан фойдаланиш мавриди етди.

Бир оққан арқидан ана сув оқиди дагаларидек, ўзбекистон ва Тожикистон мустақил давлатларга айланди. Халқларимиз ва давлатларимиз тарихи ва ерости бойликлари умумий куч-ғайрат билан ҳолисона ўрғанилиши зарур. Шу кунгача ўзлар тарихи ва ўтишига маънавий бўлиб, ўз тарихимизни ва ўлигимизни қариб унутмадик. Ўзганини унутган кимса ўтмишига ва келажакисига бир кимсадир. Хотиримиз бор бўлисин, доимо имонимиз бутун бўлсин, ўтмишимизни тиклаш, бойликларимизни асраш ва аяқлодаримиз руҳини шод этишни унутмайлик.

Турсунали МИРЗАҚУЛОВ, Хўжа давлат доруилфунун ўзбек тиббиётининг кафедрасининг доценти, Муаллим МИРЗОАХМЕДОВ, доруилфунун математика ўқитиш методика кафедрасининг доценти, МУАЛЛИФЛАРДАН: мазкур асар берилганда қалам ҳақини рўзнома нашармасига ўтказишимизга сўраймиз.

ЎЗЛИГИМИЗНИ ТИКЛАЙЛИК

Чоч-Илоқ тарихига бир назар

Бирқанча жойларда қазилмани эриштига мўлжаллаган қозонлар қўрилган. Ана шундай қозонлардан бири Олигитопган яқинида Чолота (Тошбулак) қишлоғидир. Қозон ҳозирги пионер лагерининг дарвозасидан ўнг томонда, 15—20 метр юқорида жойлашган бўлиб, лагерь учун уй қурилатганда, қадимги қабростини суриб ташланган, тупроқ остидан қўлиб кетган. Олинган эригмадан Илоқнинг пойтахти Илмоқда тагна пуллар зарб қилинган. Тагна тарихида қумушнинг қўлиги туфайли Илоқ тангаларининг Швеция, Норвегиядан тортиб Арманистонгача тарқалганлигини эслатиш ўринlidir. Иккинчидан эса, бу далил Илоқ мамлакатини жуда кўп ўлкалар билан айланиши кўрсатади.

Айрим олимлар арабларнинг қириб келиши билан Урта Осиё халқлари маданияти эриша бошладилар, қабилдаги фикрлари айтдилар. Масалан, А. В. Корольов «Қорамозор нима?» номли мақолида «Урта Осиё маданий халқ — араблар томонидан истило қилингандан сўнг, ўрта асрлардагина инсон қадами Қорамозор ерларига тегди», — деб нотўғри фикр билдиради. Аяқлодаримизнинг қадимдан шу ерларда яшаганликларини исботлаб ўтиришга бу ўрида ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Ақинча, араб истилоси Урта Осиё халқларининг жуда кўп асрилик урф-одатлари, маданияти ва ёзуви, тили ва адабиётига путур етказди. Бунга маҳаллий оқсулар, айрим манқурт элчилар ҳам кўмаклашган. Улар босқинчиларга тула бўйсунди, ҳатто она тилини ҳам йўқотишга тайёр эдилар. Лекин меҳнаткаш халқнинг босқинчиларга қарши тўхтовсиз кўзагонлиги бунинг олдидан олди.

Илҳонлар ҳукмронлиги даври (999 — 1212 йилларда) Илоқ vodiysi Қорамозорнинг мустақил бир вилотига айланди. Илоқ хокими Иброҳим Бўри тегин Мовароуннаҳр подшоиси даразасига қўтарилади. Унинг ўлиши Исфаҳа хокими Арслон тегин Ворузда қуриқхона ташкил қилади, бу ҳақда қортошга ўйиб фармон ёздирди. Бу тошбуз Ворузда ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Айрим ривоятларга кўра, Шарқия (Шаҳриқия) — (кейинчалик темирйўридан томонидан тикланиб Шоҳруқия деб

СПОРТ

ҲИССИЁТ ПАНД БЕРДИ



ЎТГАН шанба ва якшанба кунлари олимпиада ўйинлари авжга чиқди. Манжуик тоғи бағридеги стадионда спортнинг ундан энг турби бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Найза ўқитиши (аёллар) баҳсида жаҳонга машҳур Ф. Ренк (Германия), М. Гарсия (Куба), Л. Маклаун (Австралия), Н. Шкавенко, В. Егорова (МДХ), Ю. Ариморе (Япония) сингари спортчилар майдонга чиқдилар. Мусобақа қизгиндан қизиди. Ҳеч ким ортада қозилгани истамади. Натижалар орасида ҳам фарқ унчалик катта эмасди. Ф. Ренк сўнги сафар майдонга тушганида бутун имкониятини ишга солди. У ўқитишдан найза 68 метр, 26 см масофага бориб тушди. Қолган спортчилар қанча уринишмасин, бу натижани забт этиш уларга насиб этмади. Н. Шкавенко кумуш, К. Форкел бронза совриндорлари бўлишди.

Харакатланувчи инсонга отиш мусобақасида ҳамюртимиз А. Асрабова М. Яковичдан ўзиб кетолмади. У кумуш медал билан уйига қайтадиган бўлди.

Кўп туғи майдонига МДХ — Нигерия учрашуви ҳам илоқийта қизиқариш ўтди. Унинг бошланишидан қийин кетма-кет ҳужум уюштирган МДХ жаҳон рақибини доврабтиб қўйди. Биринчи бўлим 15:5 хисобига аяқланди. Иккинчи бўлимда ҳам бошдан оёқ ҳамюртларимиз устулги селилиб турди. Спортнинг бу тури бўйича Африкада энг кучли ўйинчи деб танланган Ауса Сананинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмади. Унинг 26:18 хисобига аяқланди. МДХ тўпсуралири ярим финалга йўлланма олишди.

Узоқ мусофага югуриш (аёллар)да Валентина Егорова энг яхши натижа кўрсатди. Ю. Ариморе (Япония) билан Ўлма-Вн Валентина кутилмаганда тезликни ошириб олимпиада чемпиони унвонини кўлга киритди.

Штангани (90 кг) даст кўришда нукуслик оғир атлетикачи Сергей Сирцов 190 кг оғирликни осонгина эглаб, рақиблари К. Какишвили (177,5 кг), И. Чакировни (Болгария, 170 кг) ортда қолдирди.

Силтаб кўтарилган С. Сирцов 222,5 кг натижа кўрсатди. Ҳамма умумхисобда нукуслик спортчиға ҳеч ким етмайди, деган ҳақида эди. Аваллага С. Вольшинини кўтаришга уринишлари беҳуда кетди. Сўнги илҳонияти қолган К. Какишвили штангада 235 кг тош қўйишлари ичра сўрди. Муваффақиятга эришса чемпион, бўлмаганда, гуруликни спортчи билан бўлса, гуруликни спортчи билан бўлса, гуруликни спортчи билан бўлса, гуруликни спортчи билан бўлса.

Оғир вазнада умумхисобда 410 кг натижа кўрсатган В. Тригулов олимпиада чемпиони бўлди.

Чим устида хоккейда Покистон — Голландияни 3:2 хисобда енгиб навбатдаги босқинда қатнашадиган бўлди.

Вольбол сералаш матчида МДХ — Кореяни 3:0 хисобда мағлубиятга учратди. Чет эллик мутаҳасссларнинг таъкидлашига қараганда, шу ўйинда Шинжини, Қулево, Фомиш, Шатуновлар кучли спортчи эканликларини намойиш этишди.

Ҳодада мешқ бажаришда Т. Лисенконинг олдига таъкидлагани бўлмади. У 9,975 натижа кўрсатди, яқна голиб бўлди. Хитойлик Лули кумуш медал билан қифойланди.

МДХ атлетикасис Иброҳим Савадов бронза медалини олишдан бош торди. Халқаро олимпиада комитетининг қарори билан у совриндан маҳрум қилинди. Ва унга шу кунги Барселонани тарқ этиши айтилди. Шифокорлар И. Савадов қаттиқ ҳажжонланганидан шундай қилган деган хулосага келишди.

БОЛАЛАР ЛИЦЕЙИГА ЙЎЛ

Тошкентдаги 50-мактаб гимназиясида 800 нафарга яқин 5-ҳафта 8-синф битирувчилари тест сновидан ўтдилар. Сновга дош берган юз нафар ўқувчи пойтахтнинг Ҳавза ноҳиясида бу йил — янги ўқув йилидан бошлаб ўз фаолиятини бошлайдиган эриқлар лицейига қабул қилинади. Улар бир йил давомида инглиз ва турк тилларини мукаммал ўрганишади. Дарсларини турк ва ўзбекстонлик муаллимлар олиб боришади.

Эриқлар лицейи фаолияти учун Туркия томонидан бир миллион 500 миң доллар ажратилган. Бу ҳақда хусусий мақтаблар бoш директори Маҳмад Чатин Қоя гапириб берди. Тест ўзбекистон Халқ таълим вазирилик билан Туркия мухасислари ҳамкорлигида тайёрланган.



5-синфин битирганлар лицейда 7 йил, 8-синфин битирганлар эса 4 йил ўқишади.

СУРАТЛАРДА: Тест сновидан ўтаётган ўқувчилар. Сураччи: А. МАМАДАМИНОВ.

ҚИРДАГИ ХАЗИНА

ХОРАЗМ воҳасидидаги Пятнак қирларининг тупроғи қуян ва чағил тошлардан иборат бўлса-да, умумдор. Яқин бир-икки йил муқаддам ана шу яйдок даштда гаройиб дарахтоар пайдо бўлди. Дўстлик шаҳри қарамогиндаги Гагарин номли бог-узунчилик давлат хўжалиги директори Самандар Аҳмедовнинг ташаббуси билан бу ерга жайда ва қилон жийда қўчқарлар ўтқазилди. Ҳозир дарахтлар соя юз миңга етди. Дастлаб энгилган ниҳоллар мевага кирди. Хўжалик аҳли бу гаройиб дарахтордан келгусида ҳар йили қандай минг тонна ҳосил йиғиштириб олинми мўлжалламоқда.

Илҳий ва халқ табобатининг тан олиншича, жийда меваси тўғилим озик-овқат манбаи бўлибгина қолмай, ошқозон-ичак, юрак, қон-томир ва асаб касалликларига шифо бағишловчи ажайиб неъматдир.

Гагарин номли давлат хўжалигининг бу ибратли ташаббусидан бошқа хўжаликлар, фуқаролар ҳам ўрнатилса яқин муқаддам буларди. Юзлар, арқ ва зовурлар бўйидаги беҳисоб ялангдилар, шўрҳок ерлар оби ҳаёт ва парвароши деярли талаб қилмайдиган шифобахш жийда дарахти ўсб-унадиган жойлардир. Айни пайтда унинг меvasидан турли доруворлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва спирт тайёрлаш ҳақида ҳам ўйлаб-қўрмақ мавриди келмадимики?

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

айнан бир шахо ҳаёт йўли ҳақида бўлса-да аммо том маънода ҳаёт ҳақиқати тўғрисидадир. Итроб менг қамровли, ширали тили билан киши диққатини тортиди.

Китоб ишчи, олим, ўқувчи, қўнғинчи, жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун мўлжалланган. Айрим кишилар, айниқса раҳбарлар табиатдаги мунофиқлик, димогдорлик каби ярамас иллатларга қарши курашда бу риёло муҳим аҳамиятга эга.

Норбек УСАНОВ.

Жамиятимиз кишиларининг маънавий етуқлиги хусусида сўз кетганда, энг аввало уларнинг юксак адабийлик, эъзуқли сингарни фазилятлари тушуналади. Бу фазилятлар халқимиз ўртасида минг йиллардан бери эрталар, қўшиқлар, латифалар, қолаверса, энг қадимий ёзма манбаларда қўйлиб, маънавий ҳаётда илҳий отиб мустаҳкамланган келди. Филология фақлари ном-

зоди доцент Норқул Бекмирзанинг «Тўғрига тўп ўтмас» рисоласида ана шундай эзгу фазилятлар Азиз Ҳамдамовнинг машаққати ҳаёт йўлларидан ҳикоя қилинади. Ушбу китоб фақат Азиз Ҳамдамовнинг ҳаётининг бериштиришга қўлмай, балки бугунги кунда кишининг маънавияти ҳақида ҳам ҳаётий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Муаллиф сўзи халқнинг ақл қозонида қайнаган,

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 84808. Бузуртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридида
Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖўРАБОВЕВ.
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Қарим БАҲРИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи», Салоҳиддин МУҲИДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари), Лево ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азиз СУЙОН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН [масъул котиб, «Народное слово»), Мухтарам УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Рамис ФАРҲОДИИ, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидхўрр ҒУЛОМОВ.

Бизнинг манзилгоҳ: 700029, ГСП, Тошкент, Ўзбекистон қўчаси, 41.
«Ўзподошовинпром» концерни
«Ўзподошовинпэк» ташки савдо фирмаси.
Телефонлар: 56-37-80, 56-37-40, 56-22-78,
56-36-21, 56-36-05, 56-37-06.
Телетайп: 116279 «Спива», 336248 «Ҳода»
Телекс: 116158 «Ҳода»
Факс: /3712/ 561851.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград қўчаси, 19-й.

● Тахририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма янаво қайтариқмайди.